

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60220400-Археология бакалавриат таълим йўналишининг малака
талаблари

Тошкент



Ше

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети;
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти
- Тошкент Давлат Шарқшунослик институти

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналиши бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1. Қўлланини соҳаси	4
1.1.1. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича талабалар касбий фаолиятлари таснифи	4
1.2.1. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича талабалар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича талабалар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича талабалар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича талабаларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича талабаларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	8
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув варағи	10

1. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60220400-Археология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60220400-Археология таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг оначалари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича талабалар касбий фаолиятлари таснифи

1.2.1. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича талабалар касбий фаолиятларининг соҳалари:

60220400-Археология – бакалавриат таълим йўналиши – ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасининг йўналиши бўлиб, жамият ривожланишининг барча қирраларини аниқ ўрганиш, жамият истиқболини белгилаш, археология, тарих соҳасини ривожлантириш, туризм, давлат музейлари; ноτιжорат ташкилотлари; тарихий, маданий, маънавий меросни ўрганиш марказларида мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуаси билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

1.2.2. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича талабалар касбий фаолиятларининг объектлари:

- тарих соҳасига доир назарий муаммолар;

- Ўзбекистон ва жаҳон халқларининг моддий-маданият тарихи;

- сиёсий-ижтимоий, иқтисодий жараёнлар;

- энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар ёдгорликлари;

- қадимий ва ўрта асрлар қабр-қўрғонлари, қадимий сув иншоатлар, маданий қатламлар, археологик топилмалар, моддий-манбалар;

- ёзма манбалар, меъморий ёдгорликлар, этнос ва ҳудуд, металл қазиб олиш марказлари, қадимий конлар, металл эритиш манзилгоҳлари, ер юзи ландшафти, савдо йўллари;

- моддий ва маънавий ёдгорликларни ўрганиш ва қўриқлаш масалалари билан боғлиқ муассасалар бўлинмаларида фаолият олиб бориш;

- ижтимоий-гуманитар йўналишидаги ташкилотларда ташкилий-услубий ва ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш;

- музейларда, оммавий-ахборот муассасаларида, турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат, ношароит ва жамоат ташкилотларида ҳамда бошқа муассасаларда ишлаш;

- ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш.

1.2.3. 60220400-Археология бакалаврият таълим йўналиши бўйича талабалар касбий фаолиятларининг турлари

- *илмий-тадқиқот фаолияти;*
- *маънавий-маърифий фаолият;*
- *ташкилий-бошқарув фаолият;*
- *умумий ўрта ва ўрта-махсус таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида педагогик фаолияти;*

• *турли хизматлар кўрсатиш ва шу кабиларни ўз ичига олади.*

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.4. 60220400-Археология бакалаврият таълим йўналиши бўйича талабаларнинг касбий вазифалари:

60220400-Археология таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- кичик илмий ходим ва ёрдамчи лавозимларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

- илмий-услубий ва бошқа техник ишларини бажариш;

- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (таълим йўналиши хусусиятларига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий-амалий семинарлар, конференцияларни ташкил этиш ҳамда илмий, таҳлилий оммабоп нашрларда мақолалар билан қатнашиш;

- илмий ва илмий-услубий фаолият турлари бўйича ахборот-ресурс каталогларини тузиш ва улардан фойдаланиш;

- тарих фани соҳасига оид илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш бўйича маънавият марказларида фаолият олиб бориш **қобилиятига эга бўлиши лозим.**

Турли хизматлар кўрсатиш фаолиятида:

- тадқиқ қилинган объектлар бўйича махсус йўл кўрсаткич яратиш;

- қадимги меъморий ва археологик ёдгорликларини сақлаб қолиш ва улардан фойдаланиш;

- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш.

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усулларида фойдаланиш ва мониторингини олиб бориш;
- фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;
- илмий ва амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш.

2. 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича талабаларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда ахборот технологиялари ва жараёнларни математик моделлаштириш, ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг археология соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

- табиий ва илмий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

- археология таълим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

- коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши лозим.

- табиий-илмий фанлар билан археология таълим йўналишидаги ихтисослик фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

- археология таълим соҳаси йўналишидаги ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

- модели тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши лозим.

- археология таълим соҳасидаги бакалаврият таълим йўналиши бўйича мувофик касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

- археология таълим соҳасидаги бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

- археология соҳасидаги талабанинг муайян магистратура мутахасислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

- археология таълим соҳасидаги талабаларнинг бакалаврият умумкасбий ва махсус фанлари бўйича кўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

- меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

- Ўзбекистон ва чет элларда туристик фаолиятдаги мақсадли йўналишларни ўрганиш ва таҳлил қилиши;

- туристик фаолиятнинг таркибий бўлинмаларини ўрганиши;

- ҳозирги кунда туризмни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини аниқлаши;

- экскурсия хизматларини ташкил этиш ва бошқариши;

- туризм индустриясини ташкил этувчи тармоқлар тизимидаги туризм индустриясининг ҳолатини таҳлил қилиши;

- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

- касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, индустриал тараққиёт, картография, биосфера, геосиёсат, демография, антропологик, суверенитет, варварлар, тенденция, абсолютизм, субстанционаллик, теология, стратиграфик, дендрохронологик, этник, реконструкция, синтетик таҳлил, категориялар, диспут, экспозиция, аудиовизуал, этнос, морфология, цивилизация, мистицизм, фармацион, урбанистик, миоцен, приматлар, ашель, леваллуа, антропогонез, нумизматика, голоцен, микролит протошахар, хронология, коропластика, артефакт, этнос, GIS, GPS, антик, урбанизация, инсон тараққиёти.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда
кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети



Ректор

[Signature]

И.Маджидов

202 йил « »

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Тарих институти

Директор *[Signature]* Азамат Зиё



202 йил « »

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илмий-технологияларни татбиқ
маркази



Директор

[Signature] М. Эсопов

202 йил « »

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Давлат Шеркнубослик
Университети

Ректор

[Signature]

Г.Рихсеева

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Миллий археология маркази

Директор *[Signature]* Ф. Мақсудов

202 йил « »

М.Ў.



Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 60220400-Археология таълим йўналиши ва 70220401-Археология магистратура мутахассислиги бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида
КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“ ”

202 йил

Биз қуйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Миллий университети ректори И.Маджидов, ЎЗР ФА тарих институти директори А.Зиё, ЎЗР ФА Миллий археология маркази директори Ф. Мақсудов, Тошкент Давлат Шарқшунослик университети ректори Г.Рихсева билан биргаликда бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режаси мазмуни билан таъиниб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

60220400-Археология таълим йўналиши

70220401-Археология магистратура мутахассислиги

Юқоридаги бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари, турдош ОТМ лар томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

Малака талаблари ҳамда ўқув режаси ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ИҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг илгироқини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ИҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июлдаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол илгироқини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ИҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июлдаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ИҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги “2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқинишга қабул қилинишига давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ИҚ-5157-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъърий-ҳуқуқий ҳужжатлар шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ўқув режа ва фаол дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаси ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.

Ўз РФА Тарих
институти директори



A. Ziyov Азамат Зиё

Ўз РФА Миллий археология маркази
директори



F. Maksudov Ф. Мақсудов

Тошкент Давлат Шарқшунослик университети
Ректори



G. Rixseva Г.Рихсева

Ўзбекистон Миллий университети
Ректори

I. Madjidov И.Маджидов

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб
чиқилган 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича
малака талаблари ва ўқув режасига
ТАҚРИЗ**

Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети “Археология” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан 60220400-Археология таълим йўналиши бўйича такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган Малака талаблари ҳамда ўқув режасини ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган. Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқилишида: фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий машғулотларига ажратилган юкламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлигини ўтказиш муддатлари тўғри шакллантирилган.

Битирувчилар бўйича иш берувчилар замонавий талабларга жавоб берадиган, меҳнат бозорида эҳтиёж бўлган зарур билим, малака ва кўникмалари ақс эттирилган. Тармоқлар ва меҳнат бозори ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболлари ва талабларига мувофиқ ўқув юкламалари ва фан блоклари ҳажми оптималлаштирилган, компетентлик ёндашилган.

Ушбу малака талабларида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланиши, малака талабларининг келишилганлиги ва изчиллиги, шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг комплекслиги таъминланган. Малака талабларига тажрибада текширувдан ўтган таълим фаолиятининг илгор меъёрлари киритилган. Таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига мақбуллигига қаратилган. Таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалантиришини имкониятларини ҳисобга олинган.

Малака талабларнинг тузилиши тўғри шакллانган ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги меъёрий ҳужжатларга мос равишда тузилган.

**Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Миллий археология
маркази директори:**



Ф. Мақсудов

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб
чиқилган 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича
малака талаблари ва ўқув режасига
ТАҚРИЗ**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича тайёрланган малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари намунавий ўқув режадаги кўрсатилган фанлар бўлажак талабаларнинг ўқув йили давомида олган билимларининг бевосита давоми сифатида, уларни мустақамлашга ва малакали кадр бўлиб етишишларига қўмак беради.

Ушбу малака талабларида таълим йўналишининг хусусиятидан келиб чиқиб илмий-педагогик, илмий ва илмий-тадқиқот, ташкилий–бошқарув ва меъёрий-методик фаолияти соҳалари бўйича бўлажак талабаларнинг малака талаблари тўғри ёритилган. Шунингдек, танлов фанларига ҳам алоҳида эътибор берилган ҳолда, уларга ажратилган соатлар ҳажми мамлакатимизнинг бошқа турдош олий ўқув юртлари хусусиятларини ҳам ҳисобга олганлигидан далолат беради. Мазкур таълим йўналишининг малака талабларида талабалар билишлари лозим бўлган билимларни эгаллашлари зарур бўлган кўникма ва малакалар ҳар бир таълим йўналиши ва ўқув режадан ўрин олган фанлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб келтирилган. Унда ҳозирги замон юқори малакали кадрларига бўлган талаблар инobatга олинган.

Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ да 60220400-Археология бакалавриат таълим йўналиши талабалари бўйича тайёрланган малака талаблари ва намунавий ўқув режаси замон талабларига тўлиқ жавоб беради ва уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш мумкин.

ЎзР ФА Тарих институти
“Қадимги давр тарихи”
бўлими бошлиғи:



Д.Нормуродов

60220400-Археология бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т/р	Фанлар блоклари, интеграллаштирилган курслар ва блокларнинг номлари	Умумий юкламанинг хажми, соатларда
1.00	Мажбурий фанлар	5160
1.01	Олий математика	150
1.02	Фалсафа	120
1.03	Ўзбек (рус) тили	120
1.04	Хорижий тил	180
1.05	Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши	90
1.06	Жисмоний тарбия ва спорт	60
1.07	Умумий педагогика ва психология	240
1.08	Тарбия	180
1.09	Инсон эволюцияси ва олд тарих	300
1.10	Геоархеология	150
1.11	Ўзбекистон тарихи	360
1.12	Жаҳон тарихи	300
1.13	Археологияга кириш	120
1.14	Ракамли археология	180
1.15	Археология, антропология ва этнологияда географик ахборот тизимлари	240
1.16	Археологик дала тадқиқот усуллари ва топилмаларга ишлов бериш	240
1.17	Ўрта Осиё археологияси	600
1.18	Жаҳон археологияси	600
1.19	Жаҳон этнологияси	210
1.20	Ўрта Осиёнинг орнаменти ва тасвирий санъати	150
1.21	Нумизматика ва эпиграфика	120
1.22	Ўзбекистоннинг меъморий ёдгорликлари	150
1.23	Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар урбанизацияси	150
1.24	Тарих ўқитиш методикаси	150
2.00	Танлов фанлар (8 та фан)	1200
	Жами	6360
	Малакавий амалиёт	630
	Яқуний давлат аттестацияси	450
	Аттестация	
	Жами	1080
		7440

ЎзМУ ўқув ишлари бўйича
проректори



Ш.Тошматов
Ш.Тошматов